

Лойиха – смета хужжатларини бажариш учун  
1/23-сонли ШАРТНОМА

Фаргона ш.

«25» 04 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи «Фаргона минтакавий йулларга буюртмачи хизмати «Давлат унитар корхонаси номидан директори Ш.Пулатов орқали Низомга асосан ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи «Фаргона Йўл Сервис Лойиха» маъсулияти чекланган жамияти номидан директор К.Худойназаров орқали «Буюртмачи» нинг 21 апрель 2022 йилда электрон энг яхши таклифларни танлаш –Etender -ЛОТ № 22110012069681 харид комиссиясининг баёнига асосан куйидаги шартномани туздилар:

**Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи “Ёзёвон тумани Юкори МФЙ Намуна кучаси йулини жорий таъмирлаш” объектлари лойиха смета хужжатларини тайерлаш ва давлат экспертзасидан утказиб бериш ишларини топширади, Бажарувчи эса мазкур ишларни бажарилишини ўз зиммасига олади олади.

1.3. Ишларнинг бошланиш вакти «25» 04 2022 йил.

Ишларни тугатиш вакти «31» 12 2022 йил.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар кондалари**

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси 1-иловадаги смета ҳисобларига асосан 2480000 (Икки миллион тўрт юз саксон минг) сўм.ни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш кунида шартнома баҳосининг 15 % микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг 10 банк иш куни мобайнида Бажарувчига қолган ҳақини, мазкур лойиха бўйича газна жамгармасидан маблағ ажратилиб, Буюртмачи ҳисобига тушгандан сўнг, тўлашни ўз зиммасига олади.

2.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, Буюртмачи томонидан келишилиб бўлган лойихага қўшимчлар киритилиши ҳолати бундан мустасно.

**3. Тарафлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни техник топширик, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (боскичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида такдим қилади.

3.3. Бажарувчи, шартномада келишилган лойиха-сметани мукамал қилиб, ижро қилишини қафолат беради. Лойиха-сметасида нуқсонлар аниқланганда, Бажарувчи ўз маблағлари ҳисобидан, Буюртмачи бегилаган муддатга бажариб беради.

3.4. Буюртмачи, шартномада келишилган тўловларини амалга ошириб беришни шартноманинг 2.3-бандига мувофиқ қафолатлайди.

3.5. Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарган тақдирда, 7(етти) кундан ошмаган муддатда, ва шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатда бажариб беришни зиммасига олади.

3.6. Бажарувчи лойиха-сметаларини ўрнатилган стандартларга мос ҳолатда тузади ва 1(бир) йилга қафлат беради. Бажарувчи тузган лойиха-сметадаги камчиликлар ёки бошқа хатолар натижасида юзага келган муаммоларни, зарарларни, Буюртмачига қоланишига қафолат беради.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топширик талабларига биноан белгиланади.

4.2. Тарафлар келишилган ишларини бажарилишининг ҳар қандай боскичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг, Бажарувчи томонидан тегишли хужжатлар расмийлаштириб, Буюртмачига топширилиши керак бўлган хужжатларнинг рўйхати техник топширигида белгиланган бўлиши шарт.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Тарафлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотла ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Форс мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органлари актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиха ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Шартномага тарафлар ёзма равишдаги келишуви асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан ёзма равишда келишилган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда, Бажарувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, тарафлар Медиатив келишув ёки Келишув битими қилишлари кўзда тутилади. Шундан сўнг ҳам тарафлар келишаолмаслар конунда белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишлари мумкин..

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаки кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун ишларнинг умумий қийматининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳоси келишув баённомаси (1-илова)

7.9. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.91. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.92. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

## 7. Тарафларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### «БУЮРТМАЧИ»

«Фарғона минтақавий йулларга буюртмачи  
хизмати «ДУК  
Фарғона ш. Мустақиллик кучаси 310а-уй  
Х/р: 23402000300100001010  
ШХР: 304521860302427045129118005  
Фарғона вилояти Газначилик бошқармаси ягона  
ҳисоб варағи

Тошкент Марказий Банк ХККМ  
МФО: 00014, ИИН: 201122919,  
ИИН: 304899935 ОКОНХ

Ш.Пулатов  
2022 й



### «БАЖАРУВЧИ»

«Фарғона Йўл Сервис Лойиха» маъсулияти  
чекланган жамияти  
Фарғона ш., С.Темур кўч. 31а / 2-уй  
Х/р: 20208000904579511001  
Фарғона «Ипотека Банк».  
МФО: 00544 ИИН: 300205574  
ОКОНХ 66000

К. Худойназаров  
2022 й

